

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАЙДАРОВА САРВИНОЗ ХАЙДАРЖОНОВНА

**БОЛАЛАРДА ШИФОХОНАДАН ТАШҚАРИ ЗОТИЛЖАМНИНГ
ЧЎЗИЛУВЧАН КЕЧИШИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-
ДИАГНОСТИК АСПЕКТЛАРИ, ДАВОЛАШНИ
МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Хайдарова Сарвиноз Хайдаржоновна

Болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечиши шаклланишининг клиник-диагностик аспекти, даволашни муқобиллаштириш..... 3

Хайдарова Сарвиноз Хайдаржоновна

Клинико-диагностические аспекты формирования затяжного течения внебольничных пневмоний у детей, оптимизация лечения 23

Xaydarova Sarvinoz Xaydarjonovna

Clinical morphology of myasthenia and the rationale for the use of laser technology in its complex treatment 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАЙДАРОВА САРВИНОЗ ХАЙДАРЖОНОВНА

**БОЛАЛАРДА ШИФОХОНАДАН ТАШҚАРИ ЗОТИЛЖАМНИНГ
ЧЎЗИЛУВЧАН КЕЧИШИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-
ДИАГНОСТИК АСПЕКТЛАРИ, ДАВОЛАШНИ
МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib562 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.sammi.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида www.ziynet.uz манзилларга жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шавози Нурали Мухаммад угли
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Бобомуродов Турдикул Акрамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Шарипов Рустам Хайитович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «15» октябрь соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: +998(66) - 233-07-66

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (№ 40736 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18 - уй. sammi@sammi.uz, Тел./Факс: +998(66) 233-07-66).

Диссертация автореферати 2020 йил « 8 » октябрь куни таркатилди.
(2020 йил « » даги рақамли реестр баённомаси).



А.М.Шамсиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ ((PhD) философия докторининг диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бронхопулмонар касалликлар замонавий педиатриянинг ҳал қилинмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...зотилжам дунёда болалар ўлимида энг кенг тарқалган сабабдир, хусусан, 5 ёшгача болалар ўлими таркибида 17,5% ни ташкил этади, ҳар йили бу ёш гуруҳида тахминан 1,1 миллион болалар ўлимига олиб келади...»¹. Охириги 10 йил ичида зотилжам бу касалликлар орасида етакчи ўринни эгаллайди. «...ўткир ва сурункали респиратор касалликлар орасида пулмонология бўлимига болаларни ётқизишнинг асосий сабабларидан бири сифатида, ҳаётга хавф солувчи асоратлар ва ҳатто ўлим эҳтимоли юқори зотилжам алоҳида ўринни эгаллайди...»². Мамлакатимизда ва дунёда сўнгги ўн йилликлар мобайнида унинг ташхиси ва даволанишида сезиларли ютуқлар қўлга киритилганига қарамай, бу касаллик нафақат пулмонологияда, балким педиатрияда ҳам ўткир муаммо бўлиб қолмоқда. Болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни (ШТЗ) ташхислашда ва даволашда эришилган сўнгги ютуқлар туфайли касаллик кечиши ўзгарди, сезиларли даражада касалликнинг оғир шакллари сони ва ўлим камайди, бундан ташқари касаллик ва даволаш самарадорлигини ташхислашни анъанавий ёндашувлар қайта кўрилиб, доимий равишда ортиб бормоқда. Бугунги кунда илмий тадқиқот асосий йўналишларидан бири бўлиб болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни хусусиятларини кечиши; юзага келиш даражаси, ШТЗнинг клиник ва лаборатор хусусиятлари; иммун тизимининг цитокин ва интерферон ҳолатини аниқлаш, уларнинг муносабатлари ва замонавий даволаш ҳамда олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш асосий муаммоларидан биридир.

Жаҳонда болаларда шифохона ташқарисидаги зотилжамнинг клиник-диагностик жиҳатлари ва унинг кечиши, даволашни оптималлаштиришга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишини шаклланишида клиник хусусиятлар ва хавф омилларини ўрни асослашдан иборат. Болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишининг асосий этиологик омилларни баҳолаш ҳамда зотилжамнинг чўзилувчан кечишида болалар қон плазмасида прокалцитонин ва С-реактив оқсил даражасини баҳолашни асослашдан иборат. Ўткир ва чўзилувчан зотилжамни ташхислашда яллиғланиш олди ва қарши цитокинларнинг ўрнини баҳолаш ва прогностик шкалани ривожлантириш учун болаларда зотилжамнинг чўзилувчан кечишини ривожлантиришнинг асосий прогностик мезонларини баҳолашдан иборат. Болаларда шифохонадан ташқари

¹ ЖССТ нинг ахборотномаси.2016. mediainquiries@who.int

² Коровкина Е.С, Костинов М.П., КажароваС.В. Возможности использования иммуномодуляторов в комплексной терапии внебольных пневмоний // Журнал микробиологии, эпидемиологии и иммунобиологии. – М., 2017. - №4. - С. 101-111.

зотилжамнинг чўзилувчан кечишини дифференцирланган даволаш усуллари баҳолашни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли болалар орасидаги шамоллаш касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар болаларда шифохона ташқарисидаги зотилжамнинг клиник-диагностик жиҳатлари ва унинг кечиши, даволашни оптималлаштиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасидаги болалар орасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 16 мартдаги ПФ–4985 «Шошилич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5590-сон Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ПҚ–2650-сон 2016 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистонда 2017-2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Болаларда шифохонадан ташқари зотилжам замонавий пулмонологиянинг муҳим муаммоси бўлиб қолмоқда. Болаларда ШТЗ ни ташхислаш ва даволашда сўнгги йиллардаги муваффақият туфайли касалликнинг кечиши ўзгарди, касалликнинг оғир шакллари сони сезиларли даражада камайди ва ўлим даражаси пасайди. Бироқ, зотилжам муаммосининг долзарблиги, касалликнинг тарқалиши ҳали жуда юқори ва ШТЗ одатда назорат қилинадиган касаллик деб аталишига қарамасдан, ўлим

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

хар йили қайд этилади [Геппе Н. А., Розилова Н. Н. ва бошқ., 2014]. Кўпчилиқ ҳолларда, ўлимга олиб келадиган сабабларни профилактик жараёнлар, иммунизация, етарли овқатланиш ва атроф-муҳит омилларини бартараф этишга қаратилган профилактик чоралар орқали ва барча беморларни оқилона парвариш ва даволаш (биринчи навбатда антибиотик терапия) билан зотилжамни олдини олиш мумкин [Пикуза О. И., Самороднова Е. А., 2013]. Сўнгги йилларда касалликнинг клиник кечиши ҳам ўзгариб, узок муддатли зотилжам ҳолатлари сони ортиб бормоқда. Узок муддатли зотилжам ҳолатларининг кўплиги атипик патогенлар ва антибактериал терапиянинг самарасизлиги (АБТ) билан боғлиқ бўлиши мумкин [Шамсиев Ф. М., 2020]. Бундан ташқари, ўпка яллиғланишига узок ва доимий кечиши жараёнининг характерини берадиган маҳаллий ва тизимли бир қатор сабаблар мавжуд. [С. В., Сидоренко Яковлева С. В. ва бошқ., 2014]. ШТЗ билан оғриган болаларда АБТнинг оптимал давомийлиги далилларга асосланган тиббиёт нуқтаи назаридан аниқланмаган. АБТнинг 10 кунлик курслари энг ўрганилган, айниқса, амбулатор беморларда оғир эмас зотилжамда антибиотиклар қисқа курслари етарли самарадорлигини кўрсатувчи тадқиқотлар амалга оширилган, [Bradley J.S., Byington C.L, ва бошқ., 2011]. Дунёда тўпланган далиллар, антибиотиклар кўпинча нотўғри қўлланилишидан далолат беради. АБТдан норационал фойдаланиш нафақат тиббий, балки турли ижтимоий, деонтологик, иқтисодий ва бошқа оқибатларга ҳам эга бўлиши мумкин. Антибактериал воситалардан норационал фойдаланиш шифохона патогенларининг антибиотик қаршилигининг ўсиши муаммосининг кескинлашуви билан боғлиқ [ЖССТ 2011; Шамсиев Ф. М. 2019]. Шифохона штаммлари антибиотикка қаршилик даражасини ошиши, ўз навбатида, ёпиқ доирасифат [Решедко Г. К., 2007; ЖССТ 2011, Бережная А.В., Чумаченко Т. А. 2015], АБТ ни кўллашни эмпирик анъанавий амалий схемалар ноадекватлик хавфини оширади. Зотилжамни ўз вақтида ташхислаш, АБТнинг муваффақияти ва касалликнинг натижаси бир қатор омилларга, шу жумладан педиатрнинг касаллик аломатларини таҳлил қилиш қобилиятига, ташхис қўйиш ва рационал терапия учун анамнестик, клиник, физикал ва лаборатор маълумотларини тўғри баҳолашга боғлиқ. Лаборатория диагностикасининг мураккаблиги, бир томондан, касаллик этиологиясининг ўзига хос хусусиятларига, иккинчи томондан - кўзгатувчиларни аниқлашга ягона ёндашувларнинг йўқлиги билан боғлиқ. Шу муносабат билан, шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган беморнинг оғирлигини комплекс баҳолаш долзарблиги ортади ва касалхонага ётқизишда касалликнинг эрта босқичларида унинг кечишини муаммоси ўз ечимини топади [Козлов Р. С. ва бошқ., 2016; Н. В.Иванчик ва бошқ., 2018, Jacobs M.R. ва бошқ., 2003]. Кўп эътибор зотилжам ташхисда нисбатан янги йўналиш бўлган юкумли жараённинг биологик маркерларини ўрганишга қаратилмоқда, шунингдек, салбий клиник натижасида хавфи ва даволаш самарадорлигини баҳолашга қаратилган [B. Muller, M. Christ-Crain, 2005]. Айни пайтда, замонавий яллиғланиши биомаркерларига прокальцитонин (ПКТ), С-реактив оқсил (СРО), бир қатор яллиғланишга қарши цитокинларни (IL-4, IL-6, TNF-a) ўз

ичига олади [S. Jochberger et al., 2006; S. Neuhold et al., 2008; D. Stolz et al., 2008].

Ўзбекистонда болалар орасида турли юқумли ва соматик касалликлари ташхислаш ва эрта башоратлаш ва самарали даволашга қартилган илмий ишлар олиб борилмоқда (Д.И. Ахмедова, 2017, 2018, А.В.Алимов, 2017; А.М.Шамсиев, 2018; Ф.М.Шамсиев, 2020) бироқ, болаларда шифохона ташқарисидаги зотилжамнинг клиник-диагностик жиҳатлари ва унинг кечиши, даволашни оптималлаштиришга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Қонда прокальцитонин концентрацияси фақат антибиотикларни тайинлашни талаб қиладиган бактериал инфекцияларда ортади. Вирусли инфекциялар учун бу кўрсаткич ўзгаришсиз қолади ва антибиотиклар буюрилмаслиги керак. Шу муносабат билан бактериал инфекцияни вирусдан ажратиш учун қон зардобидаги прокальцитонин даражасини аниқлаш тавсия этилади. Прокальцитонин қийматини узоқ муддатли ШТЗ бўлган беморларда яллиғланишнинг бошқа белгиларига нисбатан аниқлашга бағишланган бир нечта тадқиқотлар мавжуд. Унинг кечиши ва натижасини башоратини баҳолаш учун ушбу кўрсаткичлар мажмуасидан фойдаланиш имконияти ҳақида маълумотлар кам. Юқорида айтилганларнинг барчаси ушбу тадқиқотни ўтказиш учун тегишли ва долзарб бўлиб, шакллантирилган мақсад ва вазифаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини таъкидлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 “Замонавий диагностика, даволаш ва профилактика усулларини ишлаб чиқиш” (2016-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади реабилитация башорат қилиш ва даволашни муқобиллаштириш мақсадида болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни чўзилувчан кечишини шакллантиришда клиник ва диагностик жиҳатларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишини шаклланишида клиник хусусиятлар ва хавф омилларини таҳлил қилиш;

болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишининг асосий этиологик омилларни баҳолаш;

шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишида болалар қон плазмасида прокальцитонин, С-реактив оқсил даражасини баҳолаш;

ўткир ва чўзилувчан зотилжамни ташхислашда яллиғланиш олди ва қарши цитокинларнинг ўрнини баҳолаш;

прогностик шкалани ривожлантириш учун болаларда зотилжамнинг чўзилувчан кечишини ривожлантиришнинг асосий прогностик мезонларини баҳолаш;

болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишини дифференцирланган даволаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015-2018 йилларда Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази пульмонология ва болалар

реанимацияси бўлимида даволанаётган шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган 6 ойдан 7 ёшгача бўлган 123 нафар болани ҳар томонлама текшириш олинган маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида томоқдан чуқурроқ суртма, биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқотлар учун беморларнинг қони ва қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, микробиологик, биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларнинг шифохонадан ташқари чўзилувчан зотилжамида *Staphylococcus aureus* ва *Mycoplasma pneumoniae* миқдорининг учраши даражаси *Streptococcus pneumoniae* ва *Haemophilus influenzae* миқдорларига нисбатан юқорилиги аниқланган;

шифохонадан ташқари зотилжам билан хасталанган етти ёшгача бўлган болалар микрофлорасининг антибиотикларга резистентлигининг юқорилиги уларда нафас йўллари касалликлари билан касалланишга мойиллик даражасининг ортиши билан тўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланган;

илк бор болаларда шифохонадан ташқари зотилжамида яллиғланиш биёмаркерлари С-реактив оқсил ва прокалцитонин миқдорининг юқори кўрсаткичлари касаллик чўзилувчан кечиши билан ўзаро боғлиқлиги исботланган;

шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган болаларда яллиғланишга хос (ИЛ-6 ва ФНО- α) ва яллиғланишга қарши (ИЛ-4) цитокинлар миқдорининг ўзаро номутаносиблиги касалликни чўзилувчан кечиши билан пропорционал боғлиқлиги асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган болаларда микрофлоранинг антибиотикларга чидамлилиги ва сезувчанлиги аниқлаш самарали эмперик даволанишга имкон берган;

болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечиши учун аниқланган информатив дифференциал-диагностик, иммунологик ва биокимёвий мезонлар иммунокорректив терапияни оқилона танлашга ёрдам берган;

болаларда чўзилувчан шифохонадан ташқари зотилжамни кечишини аниқлашда прогноз шкаласи кўлаמידан фойдаланиш касалликнинг эрта ташхислашини ўтказиш, бу эса ўлим ва ногиронликни камайтирган;

Бронхомунал II ни чўзилувчан шифохонадан ташқари зотилжамни комплекс даволашга киритиш стационар даволаш давомийлигини камайтирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, болалар сонининг етарлилиги, клиник, микробиологик, биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллар асосида болаларда шифохона ташқарисидаги зотилжамнинг клиник-диагностик жиҳатлари ва унинг кечиши, даволашни оптималлаштириш

таъминлашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти болаларда чўзилувчан шифохонадан ташқари зотилжам ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлаш, янада чуқур изланишлар олиб бориш учун асос бўлиши, чўзилувчан шифохонадан ташқари зотилжам билан хасталанган беморларда организм биомаркерлари (СРО, прокальцитонин, IL-4, IL-6, ФНО- α) ни баҳолаш касаллик патогенезининг янги жиҳатларини белгилашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган оптимал даволаш усуллари болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни кечишига қараб, клиник ҳолатини яхшилаш, биокимёвий ва иммунологик параметрларини меъёрлаш, ремиссияни узайтирилиши, касаллик натижаларини яхшилаш ва иқтисодий харажатларни камайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда шифохона ташқарисидаги зотилжамнинг клиник-диагностик жиҳатлари ва унинг кечиши, даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишини башоратлаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 28.01.2020йил №8н-д/4-сонли хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома шифохонадан ташқари зотилжам билан хасталанган болаларда касалликнинг кечишини баҳолаш мезонлари ва ноқулай башоратлаш туфайли чўзилувчан кечишида юқори хавфли гуруҳларни шакллантириш, касалликни даволаш самарадорлигини ошириши ва асоратларини камайтириш имкон берган;

«Шифохонадан ташқари зотилжам билан хасталанган болаларда иммунитет тизимини коррекциялаш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 28.01.2020йил №8н-д/4-сонли хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома шифохонадан ташқари зотилжам билан хасталанган болаларда иммунитет тизимини оширишга қаратилган кўрсатмаларни жорий этиш даволаш чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ва касалликнинг такрорий қайталаниш даражасини камайтиришга қартилган чора-тадбирлар ишлаб чиқариш имконини берган;

болаларда шифохона ташқарисидаги зотилжамнинг клиник-диагностик жиҳатлари ва унинг кечиши, даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий амалий маркази Самарқанд филиали болалар бўлими, Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Самарқанд шаҳар 1-сон болалар шифохонаси ва Самарқанд шаҳар 3-сон оилавий поликлиникаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси

соғлиқни сақлаш вазирлигининг 28.08.2020йил №8н-з/106-сонли хулосаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши болаларда шифохонадан ташқари зотилжам касаллигини башоратлаш ва даволашнинг янги усулларини жорий этиш, қайталанувчи ўткир респиратор инфекциялар даражаси ва уларнинг асоратларини камайтириш, касалликларнинг давомийлигини камайтириш ва ремиссия даврини узайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда шифохонадан ташқари зотилжам муаммосининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида эпидемиологик тадқиқот масалаларини акс эттирувчи, болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни ривожлантиришнинг патофизиологик механизмларини очиб берувчи замонавий адабиёт манбалари кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади, болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни дифференцирлаштирилган даволаш усулларига алоҳида эътибор берилган, шунингдек, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Шифохонадан ташқари зотилжамга чалинган болаларда касалликни даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ҳақида тадқиқот ўтказишда қўлланиладиган услубий ёндашув келтирилган. Тадқиқотлар 6 ойдан 7 ёшгача бўлган шифохонадан ташқари

зотилжамга чалинган 123 нафар болаларни, шу жумладан, I гуруҳдаги ўткир кечиши билан 58 нафар, II гуруҳдаги чўзилувчан кечишга эга 65 нафар болаларни ҳар томонлама ўрганиш маълумотларига асосланган. Ташхис нафас олиш касалликлари бўйича XVIII Миллий Конгрессининг махсус сессиясида (2009) тасдиқланган болаларда бронхопулмонар касалликларнинг асосий клиник шакллари таснифига кўра текширилди. 100% ҳолларда, шифохонадан ташқари зотилжам ташхиси кўкрак рентгенографияси билан тасдиқланган. Гуруҳлар жинси ва ёши билан таққосланган. Текширилишга жалб қилиш мезонлари: ёши 6 ойдан 7 ёшгача; ота-оналарнинг хабардор розилиги, шифохонадан ташқари зотилжам клиник-рентгенологик тасдиқланиши; истисно мезонларга эса: жалб қилиш мезонларига риоя қилмаслик, сурункали нафас олиш касалликлари мавжудлиги, бронхопулмонар тизими ривожланиш нуқсонлари. Ретроспектив маълумотлар асосида 2015 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда Самарқанд вилоятида даволанган болаларнинг 853 та тиббий қайдномаси таҳлил қилинди.

Тадқиқот усуллари: Клиник маълумотлар ва анамнез тўплаш учун ШТЗ бўлган болаларнинг индивидуал болалар картасидан ва тиббий тарихидан фойдаланилди; Инструментал текшириш ва кузатиш; кўкрак қафаси рентгенографияси; микробиологик тадқиқотлар замонавий клиник микробиологик стандартларига мувофиқ амалга оширилди, томоқнинг чуқурлигидан намуна олиш йўли билан амалга оширилди ва бактериоскопик усулда Грам усули билан рангланди ва суртмаларда аниқланди.

Биокимёвий тадқиқотлар: қон зардобиди С-реактив оқсил (СРО) таркиби автоматик иммунохемилюминесцент анализатор Immulite 2000 ёрдамида аниқланди (Siemens, Германия); қон зардобиди прокалцитонин (ПКТ) концентрациясини аниқлаш Advia Centaur (Siemens, Германия) автоматик иммунохемилюминесцент анализаторида амалга оширилди.

Иммунологик тадқиқотлар: цитокинларни аниқлаш тест тизими уч фазали иммунофермент таҳлили «Сендвич» усулига асосланган. IL -4, IL -6 ва ФНО- α цитокинлар концентрацияси «INNOVA» (Самарқанд) хусусий ташхисот тиббиёт маркази қошидаги тест-систем Вектор-Бест тизимлари (Новосибирск, Россия) ёрдамида иммунофермент усул билан аниқланди.

Тавсия этилган мураккаб терапия самарадорлигини Бронхомунал П ни киритиш билан баҳолаш учун текширилган гуруҳларнинг ҳар бири 2 та кичик гуруҳга бўлинди:

- I гуруҳ Ia кичик гуруҳ (анъанавий даволаш 29 бемор қабул қилди) ва Ib кичик гуруҳ (анъанавий даволаш билан бирга Бронхомунал П қабул қилувчи 29 нафар бемор);

- II гуруҳ кичик гуруҳ IIa (анъанавий терапияни қабул қилувчи 32 нафар бемор) ва кичик гуруҳ IIб (анъанавий терапия билан биргаликда Бронхомунал П қабул қилувчи 33 нафар бемор).

Касалликнинг ўткир кечишида Бронхомунал П кунига 3.5 мг (1 капсуласи) касаллик белгилари йўқолгунга қадар буюрилди, умумий курс камида 10 кун, чўзилувчан кечишида - 3.5 мг кунига 1 ой давомида,

кейинчалик яна 3.5 мг препаратдан кунига 10 кун давомида 20 кунлик интервал билан кейинги 2 ой давомида.

Катамнестик кузатиш касалхонада ва диспансернинг консултиватив хонасида ўтказилди, 1 йил давомида ҳар 3 ойда шифохонадан чиққандан кейин.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Болаларда чўзилувчан шифохонадан ташқари зотилжамни ривожланишида клиник, биокимёвий ва иммунологик кўринишлар ва хавф омиллари**» деб номланган учинчи бобида болаларда ўткир ва чузилувчан кечишида шифохонадан ташқари зотилжамни қиёсий баҳолаш амалга оширилади.

Ретроспектив ва истиқболли таҳлиллар асосида 2015 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда шифохонада даволанган тасдиқланган шифохонадан ташқари зотилжам бўлган 6 ойдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг 853 та касаллик тарихи ўрганилди, шулардан чузилувчан шифохонадан ташқари зотилжам 78 та беморда (9.1% ҳолларда), кўпинча 51 ўғил болаларда (65.4%) рўйхатга олинган. Дунё бўйича ўртача 4-6% ни ташкил этади.

Беморларни касалхонага ётқизиш пайтида асосий шикоятлар: 62.6% ҳолларда продуктив йўтал, 37.4% - куруқ, нопродуктив, шу вақтда куруқ йўтал эса чўзилувчан ногоспитал зотилжам билан оғриган беморларда кенг тарқалган-66.2%, продуктив йўтал эса, аксинча, ўткир кечувчи (94.1%) болалар гуруҳида кенг тарқалган. Тана ҳароратининг ошиши ўткир кечишида беморларнинг 87.8% учун хос эди, ва кўп ҳолларда (78.5%) ҳарорат 37.1-39.5 С ўртасида фарқланса, аксинча, шифохонадан ташқари зотилжамни чўзилувчан кечишида, ҳарорат кам характерли (67.5%) белги эди, лекин айрим ҳолларда бор эди (21.2%) ҳарорат 39.5 С юқорида ва 36.0 С дан паст эди. Иштаханинг пасайиши, холсизлик, тез чарчаш каби шикоятларни зотилжамни чузилувчан кечишида (88.2%) ўткир кечиш билан таққослаганда (68.2%) кўпроқ болалар тақдим этган.

Чўзилувчан шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган болаларнинг тиббий тарихлари анамнестик маълумотларини таҳлил қилганда, 34.7% ҳолларда болалар такрорий ҳомиладорликдан туғилган, 41.9% ҳолларда ҳомиладорликни тушиш хавфи бўлган, 57.4% ҳолларда вирусли ва бактериал инфекциялар ва антенатал даврда гестоз, акушерлик анамнезининг асоратли кечиши ва хомила ичи гипоскияси 41.7% ҳолларда, юқорида кўрсатилган анамнестик маълумотлар 1.3-1.8 баробар кўпроқ шифохонадан ташқари зотилжамни ўткир кечишига нисбатан кузатиларди.

Болаларда шифохонадан ташқари зотилжам учун антибактериал терапияни тайинлаш этиологик омилни мажбурий ҳисобга олишни талаб қилади, шунинг учун антибиотикни буюришда препаратни нотўғри танлаш субъектив хато ҳисобланади. Шу муносабат билан, микробиологик тадқиқотлар натижаларини олиш ва антибиотик терапиясини бошлаш билан боғлиқ муҳим вақтни ҳисобга олган ҳолда, болаларда чўзилувчан кечувчи

шифоходан ташқари зотилжам учун эмперик терапияни танлаш масаласи мавжуд.

123 болалар орасида бактериологик тадқиқот натижалари асосида (1-жадвал) шифоходан ташқари зотилжамга чалинган болаларда нафас олиш тизимининг микробиологик манзараси ҳақида динамик тасаввурни кўрсатди. Шундай қилиб, 2016 йилда шифоходан ташқари зотилжам ярмидан кўп ҳолларда *S. pneumoniae* (30.9%) ва *H. influenza* (26.2%) сабаб бўлган бўлса, 2017 йилда касалликнинг этиологик таркибида (22.7 ва 20.5%) бу патоген микроорганизмларга улуши камайиши кузатилди, шунга ўхшаш динамикаси 2018 йилда ҳам (16.2 ва 13.5%) давом этди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, *S. pneumoniae* ва *H. influenza* нинг таъсири пасайиши фонида *S. aureus* ва *M. pneumoniae* нинг 23.8% ва 19.1% дан 2016 йилда 40.6% ва 29.7% гача 2018 йилда ўсиши кузатилди бу эса, афтидан, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси профилактик эмлашлар тақвимида пневмококкли вакцина киритилиши билан боғлиқ эди.

1-жадвал

I-II гуруҳларда беморларда шифоходан ташқари зотилжамнинг этиологик тузилиши (n; %)

№	Қўзғатувчи	Текшириш даврлари					
		2016		2017		2018	
		n=42		n=44		n=37	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
1.	<i>Streptococcus pneumoniae</i>	13	30,9	10	22,7	6	16,2
2.	<i>Haemophilus influenzae</i>	11	26,2	9	20,5	5	13,5
3.	<i>Staphylococcus aureus</i>	10	23,8	14	31,8	15	40,6
4.	<i>Mycoplasma pneumoniae</i>	8	19,1	11	25,0	11	29,7

Болаларда респиратор намунаси микрофлораси сезгирлигини аниқлаш натижалари шифоходан ташқари зотилжам ўткир ва чўзилувчан кечишида асосий биринчи линия бўлган антибактериал дорилар беморларда муҳим фарқларга эга, масалан, азитромицин ва ампициллинга антибиотикка резистентлик чўзилувчан кечишида 1.4 марта (67.2% ва 62.1% га қарши 87.7% ва 83.1%) кўпроқ. Амоксациллин ва Цефотаксим антибиотикарига сезувчанликда янада катта фарқ аниқланди, шифоходан ташқари зотилжамни чўзилувчан кечишида касалларда қаршилиқ 2 мартадан ортиқ (67.7%, 33.4%) ошган. Тадқиқот шуни кўрсатди-ки, Гентамицин (4.6%) га сезувчанликнинг деярли тўлиқ пасайиши ва Цефтриаксон (32.3%) га кескин пасайганлигини кўрсатди, бу эса касалликни даволаш протоколларида ушбу дориларни мақсадга мувофиқ тайинланиши кераклигини шубҳа остига қуяди. Тадқиқотимизда захира гуруҳининг антибактериал препаратларига бактериал сезувчанликнинг глобал пасайишининг умумий тенденцияси ҳам қайд этилди,

аммо in vitro Цефепим ва Цефтазидимнинг юқори самарадорлиги қайд этиш керак, тўлиқ қаршилиқ фақат 6.2% ва 23.1% ҳолатларда чўзилувчан шифохонадан ташқари зотилжамда кузатилган, бу эса улардан фойдаланишни тавсия қилади .

2-жадвал

Респиратор намунаси микрофлорасининг асосий антибиотикларга сезгирлигини аниқлаш натижалари (n; %)

Антибиотик	I гуруҳ (n=58)			II гуруҳ (n=65)		
	Сезувчан.	Ўтказувч. резист.	Резистент.	Сезувчан.	Ўтказувч. резист.	Резистент.
Азитромицин	9 (15,5%)	10 (17,2%)	39 (67,2%)	5 (7,7%)	3 (4,6%)	57 (87,7%)
Ампициллин	10 (17,2%)	12 (20,7%)	36 (62,1%)	6 (9,2%)	5 (7,7%)	54 (83,1%)
Амоксицил.	21 (36,2%)	18 (31,0%)	19 (32,8%)	11 (16,9%)	10 (15,4%)	44 (67,7%)
Цефотаксим	35 (60,3%)	12 (20,7%)	11 (19,0%)	31 (47,7%)	11 (16,9%)	23 (33,4%)
Гентамицин	7 (12,1%)	5 (8,6%)	46 (79,3%)	3 (4,6%)	4 (6,2%)	58 (89,2%)
Цефтриаксон	25 (43,1%)	7 (12,1%)	26 (44,8%)	21 (32,3%)	9 (13,8%)	35 (53,8%)
Цефтазидим	37 (63,8%)	11 (% 19,0)	10 (17,2%)	41 (63,1%)	9 (13,8%)	15 (23,1%)
Цефепим	46 (79,3%)	10 (17,2%)	3 (5,2%)	50 (76,9%)	11 (16,9%)	4 (6,2%)

Яллиғланишнинг биокимёвий параметрлари аниқлаш тадқиқотлари бўйича (3-жадвал) СРО ва ПСТ даражалари болаларда ногоспитал зотилжам кечишига қараб муҳим фарқ аниқланди, яъни II гуруҳда, СРО ва ПСТ (33.24 ± 1.82 , 1.53 ± 0.08 ; $p < 0.01$) миқдори I гуруҳга нисбатан юқори даражани кўрсатди. Шифохонадан чиқишда қилинган кейинги биохимик таҳлилларни солиштирганда ҳам катта фарқ кузатилди, беморларда чўзилувчан кечишида яллиғланиш кўрсаткичлари ($25,31 \pm 1,43$, $1,12 \pm 0,06$; $P < 0,001$) касалликнинг ўткир кечишига нисбатан 2.5 марта купайганлиги маълум бўлди, афтидан, бу шифохонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечишида яллиғланиш жараёнларининг юқори даражада давом этиши билан боғлиқ.

Шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган болаларда унинг кечишига қараб, цитокин ҳолатини ўрганиш ИЛ-4, ИЛ-6 ва ФНО- α кўрсаткичларининг фарқини кўрсатди.

3-жадвалдан кўришиб турибдики чузилувчан кечувчи шифохонадан ташқари зотилжам билан оғриган беморларида, ўткир кечиши ($15,6 \pm 0,8$ ва $11,5 \pm 0,6$; $p < 0,01$) билан солиштирганда ИЛ-4 нинг бироз ошиши ва II гуруҳ беморларда I гуруҳга нисбатан ИЛ-6 ни 2 марта ошганлиги кузатилмоқда ($24,8 \pm 1,3$ ва $12,5 \pm 0,5$; $p < 0,001$), бу эса ИЛ-6 кўрсаткичини кўтарилишини шифохонадан ташқари зотилжамни чўзилувчан кечишида диагностик маркер сифатида фойдаланишга имкон беради. ФНО- α кўрсаткичлари ҳам референт

қийматларга нисбатан ҳар иккала гуруҳда ҳам кўтарилган кўрсаткичга эга эди, шу ўринда II гуруҳ беморларида эса I гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан сезиларли ўсиш кузатилди (49.7 ± 2.5 ва 35.7 ± 1.3 ; $p < 0.01$).

3-жадвал.

Текширилган болаларда шифохонадан ташқари зотилжамни кечишига қараб СРО, ПСТ ва цитокин ҳолати таркиби

Кўрсаткич	I гуруҳ (n=58) Ўткир кечиши		II гуруҳ (n=65) Чўзилувчан кечиши	
	Киришда	Чиқишда	Киришда	Чиқишда
СРБ (мг/л)	$21,65 \pm 1,35$	$10,12 \pm 0,64$	$33,24 \pm 1,82^{***}$	$25,31 \pm 1,43^{***}$
ПКТ (нг/л)	$1,05 \pm 0,07$	$0,41 \pm 0,02$	$1,53 \pm 0,08^{**}$	$1,12 \pm 0,06^{***}$
ИЛ - 4 (пг/мл)	$11,5 \pm 0,6$	$8,4 \pm 0,3$	$15,6 \pm 0,8^{***}$	$11,4 \pm 0,6^{**}$
ИЛ - 6 (пг/мл)	$12,8 \pm 0,5$	$8,9 \pm 0,4$	$24,8 \pm 1,3^{**}$	$15,7 \pm 0,9^{***}$
ФНО – а (пг/мл)	$35,7 \pm 1,3$	$22,3 \pm 1,1$	$49,7 \pm 2,5$	$30,4 \pm 1,4^{**}$

Изоҳ: * - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$ - I ва II гуруҳларда фарқларнинг аҳамияти

Изоҳ: * - $P < 0,01$, ** - $P < 0,001$ - I ва II гуруҳларда фарқларнинг аҳамияти

Таҳлил натижасида шифохонадан ташқари зотилжамнинг ривожланиши, оғирлик даражаси ва натижасини прогноз қилиш мезонларини ишлаб чиқишда қўлланилган модификацияланган ва модификацияланмаган омиллар аниқланди (4-жадвал).

Бунинг учун асосий энг муҳим анамнестик, клиник, лаборатор ва инструментал кўрсаткичлар аниқланди, уларнинг ҳар бири патологик белгиларнинг намоён бўлиш даражаси ва прогнозга омиллар таъсирининг ишончилигига қараб маълум балл билан баҳоланди. Математик статистика усулларида фойдаланиб, ушбу мезонларга асос сифатида фойдаланилган «К» коэффицентини ҳисоблаб чиқдик. Шифохонадан ташқари зотилжамли болаларда ўртача балл баҳоланган параметрлар сонига бўлинадиган мезонлар жадвалидан олинди ва шу тариқа $K=1.5$ коэффицент олинди.

Натижада, шифохонадан ташқари зотилжам натижалари мезонларга мувофиқ қўйидагича баҳоланади:

- $K < 1,0$ учун қулай (шиfoxонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечиши хавфи паст);

- мумкин бўлган ноқулай натижа, $1 < K < 1,6$ (шиfoxонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечиши ўртача хавф);

- ноқулай натижа $K > 1.6$. (шиfoxонадан ташқари зотилжамнинг чўзилувчан кечиши юқори хавф).

